

Александр ПУШКИН

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

Шеърлар, достон

Тошкент

Ғафур Ғулом иомидаги Адабиёт на санъат нашриёти
1999

ЭРКИНЛИК¹

ОДА

Қоч, йўқол, кўринма — чекил кўзлардан.
Цитеранинг ожиз. эй маликаси!
Магрур эрк куйчиси, қани, қайдасан.
Қайдасан шоҳларнинг зўр таҳликаси!
Кел, гултожим узиб ташла бир ёнга!
Инжиқ рубобимни парчала-синдир...
Эрки улуғлайин бутун жаҳонга.
Тахту тож қусурин топтайин бир-бир.

Шоири кулфат. офат аро сен ўзинг
Дадил қасидалар илҳомин берган —
Ўша олижаноб, улуг инсоннинг²
Атоқли изларин очгил менга сан!
Ҳавойи қисматнинг арзандалари.
Жаҳон золимлари! Титранг бу замон!
Сиз-чи, эй уларнинг хор бандалари.
Мардона-мардона бошланг кўзғолон!

Қай томонга назар ташламай, эвоҳ.
Темир кишанлару зулм қамчилари:

Қонунлар хатарли, қонунлар расво,
Эрксизликнинг ночор ёш томчилари;
Ҳар ёнда ҳақсизлик, зўрлик ҳукмрон.
Уюшган хурофот — куюқ мавҳумот,

¹ «Эркинлик» шеърини Пушкин 1817—1819 йиллар орасида ёзган. Бу шеър XVIII асрда ўтган рус революцион шоири А. Н. Радищевнинг (1749—1802) машҳур «Эркинлик» одасига назирadir. Радищевнинг «Эркинлик» шеъри «Петербургдан Москвага саёхат» номли асарига кирган ва жазоланишининг сабабларидан бири бўлгандир. Радищев ўлим жазосига ҳукм этилган сўнг бу жазо Сибирга сургун билан алмаштирилган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Пушкиннинг бу шеърида подшо Александрнинг ўз отаси Павелни ўлдирилишида бевосита иштироки борлигига киноя, ишора бордирким, бу 1820 йилда Пушкиннинг жанубга сургун қилинишининг асосий сабабларидан бири бўлгандир. Пушкин маст чоғида бу шеър кўчирилиб, қўлма-қўл бўлиб кетган фақат революциядан сўнггина «Эркинлик» шеъри тўла нашр этилди.

² Улуғ инсон — шоир бу ерда француз революцияси томонига ўтган француз қасидачиси Экушар-Лебрени (1729—1807) кузда тутди.